



«TIBBIY TA'LIM TRANSFORMATSIYASI: MEGATRENDLAR»

*mavzusidagi XVII xalqaro
o'quv-uslubiy konferensiya
materiallar tўplami*

Toshkent-2021, 29-30 dekabr



Гастроэнтерология йўналишида талабалар томонидан юрак қон томир тизими касалликлари хавфини аниқлаш дастури ёрдамида ўтказилган тадқиқот натижаларига касаллик ривожланишинг эҳтимоллик даражаларига кўра аҳолининг 32 % да суст эҳтимоллик, 15 % да эса юқори эҳтимоллик аниқланди, 21% беморларда эса хавф кузатилмади.

Нефрология йўналишида талабалар томонидан юрак қон томир тизими касалликлари хавфини аниқлаш дастури ёрдамида ўтказилган тадқиқот натижаларига касаллик ривожланишинг эҳтимоллик даражаларига кўра аҳолининг 32 % да суст эҳтимоллик, 31 % беморларда ўртача эҳтимоллик, 12 % да эса юқори эҳтимоллик аниқланди, 29% беморларда эса хавф кузатилмади.

Хулоса. Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини ҳамда клиник шифохоналарда мутахассислар томонидан касалликни комплекс баҳолаш прогностик харитасини қўллаш имконини кенгайтириш мақсадида интернет браузер ёрдамида барча турдаги компьютерларда қўллаш имконига эга бўлган электрон ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилди ва олинган натижаларни дарҳол ҳисоблаш ҳамда патологик ҳолатни олдини олиш, беморларни ўз-ўзини назорат қилиш, беморлар ҳолатини мониторинг қилиш имконияти яратилди.

Адабиётлар:

1. Лапчик М.П. Структура и методическая система подготовки кадров информатизации школы в педагогических вузах: Дисс. Докт. пед. наук. Москва, 2001. - 382 с
2. Гадаев А.Г. Абдурахимова Л.А., “Simulation technologies: development of clinical thinking with the help of a virtual patient” // *Academicia an international multidisciplinary research journal.* – 2021. Vol. 1, No. 4. - P. 5-15.
3. Муминов Б.Б. Информатикадан амалий ва лаборатория машгулотлари учун педагогик дастурий таъминот яратиш ва фойдаланиш методикаси (академик лицейларнинг аниқ фанлар йўналиши мисолида). Дисс.п.ф.н. -Т. 2009.-177 б.
4. British Columbia. Office of the Auditor General. (2004). In sickness and in health: Healthy workplaces for British Columbia's health care workers. Victoria, BC: Office of the Auditor General of British Columbia
5. Graber M.A., Pierre J., Charlton M. Patient opinions and attitudes toward medical student procedures in the emergency department. *Academic Emergency Medicine.* 2003 Dec;10(12):1329-33.

ДИПЛОМДАН КЕЙИНГИ УЗЛУКСИЗ ТИББИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА СИМУЛЯЦИОН ЎҚИТИШ УСУЛИНИНГ АҲАМИЯТИ

**Р.К.Дадабаева, Л.А.Абдурахимова, Э.А.Абдуганиева, Ф.М.Нуридинова,
А.К.Кулқараев**

Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва
пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази

Ҳозирги даврда, дипломдан кейинги узлуксиз тиббий таълим тизимида симуляцион ўқитиш замонавий усуллардан бири бўлиб, унинг тингловчи-шифокорлар малакасини оширишда асосий мақсади – ўз ихтисослиги бўйича билимлар ва амалий кўникмаларни ўргатишдир. Бунинг учун шифокор-тингловчи ўзининг назарий

*Toshkent tibbiyot akademiyasining «Tibbiy ta'lim transformatsiyasi: megatrentlar»
mavzusidagi halqaro konferensiya materiallar to'plami, 2021 yil 29-30 dekabr*

билимларини, одатий қарор ва тактикасини тўлиқ амалий фаолиятга мустақил ўткази олиши асосий мақсад деб қўйилади.

Тошкент тиббиёт академиясининг Врачлар малакасини ошириш кафедрасида 2020-2021 ўқув йилида 10 та Умумий малака ошириш (144 кредит) ва 9 та Мавзули малака ошириш (72 кредит) циклларида соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида фаолият олиб борувчи 476 та оилавий шифокорлар малакаси оширилди. Малака оширишнинг ҳар бир турида 6 академик соатдан ташкил топган амалий машғулот “Симуляцион ўқитиш кафедраси”да ўтказилган. Натижада, амалий шифокорларнинг ўқишнинг ушбу турига қизиқиши юқори эканлиги аниқланди.

Изланишнинг мақсади: дипломдан кейинги узлуксиз тиббий таълим тизимининг оилавий шифокорлар малакасини ошириш циклларида симуляцион ўқитишнинг ахамиятини ўрганиш.

Материаллар ва усуллар. Врачлар малакасини ошириш кафедрасига малакасини оширишга келган шифокор-тингловчилар ташкилий таркиби ўрганилди ва қуйидаги натижалар олинди.

300 та тингловчидан 94 таси (31,3%) шаҳар оилавий поликлиникалари (ОП), 206 таси эса (68,7%) қишлоқ оилавий поликлиника ва оилавий шифокор пунктларида ишлайди. Уларнинг ёши бўйича гуруҳларга ажратилганда, 25-30 ёшлилар – 2 та (0,67%), 31-40 ёшлилар - 40 та (13,3%), 41-50 ёшлилар - 107 та (35,7%), 51-60 ёшлилар - 113 та (37,7%) ва 61-70 ёшлилар – 38 та (12,6%)ни ташкил этди. Уларнинг соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида ишлаш стажи қуйидагиларни ташкил қилди: 5 йилгача – 7 та (2,3%), 6-10 йил – 69 та (23%), 11-20 йил – 102 та (34%) ва 20 йилдан кўп иш стажига эга бўлганлар – 122 та (40,7%).

Шу билан бирга, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини шифокорлари учун махсус тузилган, қуйидаги саволлардан иборат сўровнома ўтказилди:

1. Сиз симуляцион ўқитиш тизими вазифалари бўйича маълумотга эгамисиз?
2. Симуляцион ўқишнинг қандай усуллари билан танишсиз?
3. Симуляцион ўқиш жараёнини сиз учун афзаллиги нимада?
4. Оилавий шифокор мутахассислигининг амалий кўникмаларни эгаллашда симуляцион ўқитишнинг ахамияти қандай?
5. Симулятор роботларни қайси турдаги кўникмаларни ўргатишда қўллаш лозим?
6. “Виртуал бемор” дастуридан фойдаланиш қайси кўникмаларни мустақамлаш имконини беради?
7. Симуляцион ўқитиш жараёнида асосан қайси мутахассислик бўйича кўникмаларни эгаллаш имкони кенгроқ деб ҳисоблайсиз?
8. Симуляцион ўқитишнинг жорий ўқув соатлари дипломдан кейинги узлуксиз тиббий таълимда етарлими? Етарли бўлмаса, сизнинг таклифингиз?
9. ССББ шароитида қўллаш учун кўникмаларни эгаллаш учун яна қандай симуляторлар керак деб ҳисоблайсиз?
10. Симуляторлар билан ишлашингизда бўлган муаммолар?

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Олинган натижалар ўрганиб чиқилганда, Тошкент тиббиёт академиясининг Врачлар малакасини ошириш кафедрасида малака оширган шифокорларнинг энг катта қисмини (37,7%) нафақа олди ёшидаги (51-60 ёшлилар - 113 та), ундан кейин эса 41-50 ёшлилар - 107 тани (35,7%) ташкил этиб, 25-30 ёшгача бўлган ёш мутахассислар эса 0,67%ни ташкил этган. Бу кўрсаткичлар ҳозирги

даврдa соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида фаолият юритувчи шифокорларнинг аксарияти нафақа олди ёшидагилар ва нафақахўрлардан иборат бўлганлигини ифодалайди. Шу билан бир қаторда, 61-70 ёшли оилавий шифокорлар малака оширган тингловчиларнинг 12,6%ни ташкил этиб, 20 ва ундан ортиқ иш стажига эга бўлганларнинг энг кўп қисмидир (40,7%).

Тингловчилар орасида ўтказилган саволноманинг таҳлили қуйидагиларни кўрсатди. “Сиз симуляцион ўқитиш тизими вазифалари бўйича маълумотга эгамисиз?” саволига 100% “Йўқ” жавоби олинди. “Симуляцион ўқишнинг қандай усуллари билан танишсиз?” саволига 100% тингловчи ЭКГ, ўпка –юррак реанимациясини, 85%и – офтальмо-отоскопияни кўрсатишган. “Симуляцион ўқиш жараёнини сиз учун афзаллиги нимада?” деган саволга 100% тингловчи ўз билимлари ва амалий кўникмаларини янгилаш ва яхшилаш маъносида жавоб беришган. “Оилавий шифокор мутахассислигининг амалий кўникмаларни эгаллашда симуляцион ўқитишнинг аҳамияти қандай?” саволига 80% шифокор максимал юқори баллни белгилашган. Кейинги “Симуляцион ўқитиш жараёнида асосан қайси мутахассислик бўйича кўникмаларни эгаллаш имкони кенгроқ деб ҳисоблайсиз?” саволига, тингловчилар бир овоз билан “оилавий шифокор” мутахассислигини кўрсатишган. Шу билан бирга, симуляцион ўқитишнинг жорий ўқув соатлари (6 академик соат) дипломдан кейинги узлуксиз тиббий таълимда етарли эмаслигини, бу машғулотлар ҳажмини камида 18 соатга етказиш лозимлигини ўқдириб ўтишган. Симуляторлар билан ишлашингизда бўлган муаммолардан, асосан, компьютер технологиялар, гаджетлардан фойдаланиш кўникмалари етишмаслини кўрсатишган.

Юқорида кўрсатилганлар натижалар ва уларнинг таҳлилари натижасида шулар аниқландики, дипломдан кейинги узлуксиз тиббий таълимни киритилиши оилавий шифокорлар касбий билими, компетенцияси, малакаси ва кўникмаларини доимий, узлуксиз оширишини таъминлайди. Уларнинг касбий малакасини ошириш компонентларига симуляцион ўқитиш усулларини киритиш эса, тингловчиларнинг ўз-ўзларининг билимларини баҳолаш, индивидуал равишда билим ва кўникмаларни эгаллаш, шахсий компетенцияларини ошириш имкониятини яратади. Бу эса, ўз навбатида, оилавий шифокорларнинг аҳолига кўрсатадиган тиббий хизматларнинг сифатини оширишга, ёрдам беради.

Хулосалар:

1. Тошкент тиббиёт академиясида дипломдан кейинги узлуксиз тиббий таълим тизимидаги оилавий шифокорлар учун симуляцион ўқитиш усулларини ўқув дастурига тадбиқ этилган;
2. Дипломдан кейинги узлуксиз тиббий таълим тизимидаги оилавий шифокорлар малакасини ошириш циклларида симуляцион ўқитиш усулларини қўллаш, уларнинг ўз шахсий компетенцияларини ўзлари ҳолисона баҳолашига ёрдам беради;
3. Симуляцион ўқитиш усулларини амалий шифокорларнинг малакасини ошириш жараёнига киритиш, ўқув дастурларининг жозибadorлигини ошириб, ўз билимларини айнан ушбу таълим муассасасида оширишларига мотивация бўлиб хизмат қилади;
4. Оилавий шифокорларнинг малакасини оширишга симуляцион ўқитиш усулини киритиш, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини ошириб, аҳоли саломатлигини асрашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Адабиётлар

1. Авдеева В.Г. «Иновационные технологии в системе непрерывного медицинского образования. Опыт подготовки специалистов службы медицины катастроф и скорой медицинской помощи». Медицинское образование и профессиональное развитие, №1, 2010 й, 23-26 б.
2. Булатов С.А. «Преподавание практических умений: российский и международный опыт». Медицинское образование и профессиональное развитие, №1, 2010 й. 31-35 б.
3. Гадаев А.Г., Абдурахимова Л.А., Дадабаева Р.К. “Wissenschaftlicher ansatz in der medizinischen ausbildung: entwicklung einer prognostischen karte der krankenentwicklung”// Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities. – 2021. Vol.1 Issue 1.5 Pedagogicalsciences. P. 85-93.
4. Турчина Ж.Е., Шарова О.Я., Нор О.В., Черемисина А.В., Битковская В.Г. «Симуляционное обучение, как современная образовательная технология в практической подготовке студентов медицинского ВУЗа//Современные проблемы науки и образования. – 2016. – № 3. – 22-24 б.
5. Kobayashi L., Patterson M.D., Overly F.L., Shapiro M.J., Williams K.A., Jay G.D. Educational and research implications of portable human patient simulation in acute care medicine. Academic Emergency Medicine 2008 Nov;15(11):1 166-74. Epub 2008 Jul 14.

RAQAMLI BILIMLAR VA ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARI TARAQQIYOTGA ERISHISHNING MUHIM SHARTI SIFATIDA

M.T.Ahmedova. Toshkent tibbiyot akademiyasining
“Pedagogikava psixologiya” kafedrasida dotsenti

Annotatsiya: “Hozirgi davrda raqamli bilimlar va zamonaviy axborot texnologiyalari taraqqiyotga erishishning muhim sharti sifatida” nomli maqola muallifi tomonidan hozirgi davrda raqamli bilimlar va zamonaviy axborot texnologiyalari taraqqiyotga erishishning muhim shart-sharoitlarining mazmun-mohiyati yoritib berilgan.

Kalit soʻzlar: raqamli tibbiyot asri, raqamli bilimlar, koʻchma texnologiyalar, aqlli shahar, elektron bitim, kelajak vazirliklari.

Annotation: The author of the article "Digital knowledge and modern information technology as an important condition for development in the modern world" explains the essence of the important conditions for the development of digital knowledge and modern information technology in the modern world.

Keywords: age of digital medicine, digital knowledge, mobile technology, smart city, e-commerce, future ministries.

Raqamli tibbiyot asri. Hozirda inson faoliyati koʻrsatkichlari, xususan, yurak pulsi, nafas tezligi, jismoniy faollik, umumiy holati, dori-darmonlar qabul qilish va boshqalar haqida axborot toʻplash imkonini beruvchi juda koʻplab turli qurilmalar mavjud. Ushbu qurilmalar (koʻchma elektronika) orqali yigʻilgan maʼlumotlar bemorlarning oʻzi uchun ham, ularni davolovchi shifokorlar uchun ham juda katta ahamiyatga ega. Mazkur maʼlumotlar asosida tashxis qoʻyish, bemorlarga ular hayot faoliyatidagi oʻzgarishlar haqida tavsiyalar berish, noxush holatlarni oʻz vaqtida va kasalliklar rivojlanishining boshlangʻich bosqichidayoq aniqlash mumkin.

Toshkent tibbiyot akademiyasining «Tibbiy taʼlim transformatsiyasi: megatrentlar» mavzusidagi halqaro konferensiya materiallar toʻplami, 2021 yil 29-30 dekabr

Кодирова Ш.А. КЛИНИК ИШ ҰЙИНЛАРИНИНГ АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДАГИ АҲАМИЯТИ.....	60
Абдуразакова М.Д. ОЛИМПИАДАЛАР ИННОВАЦИОН ҰҚИТИШ УСУЛИ СИФАТИДА.....	62
Пулатов Х.Х. ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ТАРКИБИЙ БЎЛАКЛАРИ.....	65
Алимова С.З., Мелиева Г.Б. ОСНОВЫ И ВОЗМОЖНОСТИ КИБЕРНЕТИКИ В СФЕРЕ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ.....	67
Sobirjonov A.Z., Safojeva Sh.T. THE ORETICAL FOUNDATIONS OF USING INTERNET RESOURCES IN TEACHING ENGLISH.....	71
Шукурова Ф.Н. ИЧКИ КАСАЛЛИКЛАР ПРОПЕДЕВТИКАСИ КАФЕДРАСИДА ҚҰЙИ БОСҚИЧДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН ТАЛАБАЛАР ОРАСИДА КЛИНИК ФИКРЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ.....	75
Бобоев Х.Н. СОҒЛОМ ФИКРЛАШ СОҒЛОМ ТУРМУШНИНГ АСОСИЙ СИФАТИДИР.....	77
Khojaakhmatova K. TIBBIYOT OLİY O'QUV YURLARIDA INGLIZ TILINI O'QITISH VA O'RGANISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR.....	79
Djampulatova N. TIBBIYOT OLİYGOHLARIDA INGLIZ TILINI O'QITISHDA KOUCHING TEXNOLOGIYALARI.....	82
Парпибаева Д.А., Абдурахимова Л.А., Мусаева М.А. МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ ЖАРАЁНИ: ТАЛАБАЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ЭЛЕКТРОН ДАСТУРЛАРНИ ҚЎЛЛАШ.....	85
Дадабаева Р.К., Абдурахимова Л.А., Абдуганиева Э.А., Нуриддинова Ф.М., Кулқараев А.К. ДИПЛОМДАН КЕЙИНГИ УЗЛУКСИЗ ТИББИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА СИМУЛЯЦИОН ҰҚИТИШ УСУЛИНИНГ АҲАМИЯТИ.....	86
Ahmedova. M.T. RAQAMLI BILIMLAR VA ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARI TARAQQIYOTGA ERISHISHNING MUHIM SHARTI SIFATIDA.....	89
Салаева М.С., Салимова Н.Д., Турбанова У.В. ҰҚУВ ЖАРАЁНИДА СИМУЛЯЦИОН ҰҚИТИШ УСУЛЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ	93
Исканджанова Ф.К. СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ИНФОРМАЦИОННОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ВРАЧА - ПЕДАГОГА НА ОСНОВЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ.....	94
Азизова П.Х., Ахмедова Н.А. ПРИМЕНЕНИЕ ТЕХНОЛОГИИ «WEB-КВЕСТ» В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЕ.....	95
Таирова Г.Б., Фахриддинова Н.Б. РАҚАМЛИ ТИББИЁТ.....	97
Bekchanova N.I. OLİY TIBBIY TA'LIMNING RIVOJLANISH TENDENSIYASIDA TIBBIYOTDAGI ROBOTLAR.....	99
Iskandarova G.T., Tashpulatova M.N. MEHNAT GIGIYENASI FANINI O'QITISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNI QO'LLASH.....	100
Маматқулов Б.М., Авезова Г.С., Уразалиева И.Р., Адилова З.У. КРЕДИТ-МОДУЛ ТИЗИМИДА ТАЛАБАНИНГ МУСТАҚИЛ ИШИ.....	101